**"ТАСДИҚЛАЙМАН"**
**Каттақўрғон шаҳар**
**Ободонлаштириш бошқармаси**
**бошлиғи __________ Ф.Курбанов**
"04" октябр 2022й

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун
ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ
Танлов хужжатларининг мазмуни:

4. Танлов иштирокчилари учун йурикнома
5. Техник кисм
6. Нархлар кисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙУРИКНОМА

## 2. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ КИЙМАТИ

3. Танлов предмети: Каттақўрғон шахар Ободонлаштириш бошқармасига хужалик ва курилиш махсулотлари олиш.

3.2. Танловга қўйилаётган товарлар:

| № | Кўчатлар номи | Улчов бирлиги | Миқдори | нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Труба асбестоцементная дм 400 стандарт 4метрли, йулостидан сув утказиш у-н | м | 8 | 230000 | 1 840 000 |
| 2 | Труба гофрированная 400дм узунлиги 6метр, калинлиги 8мм йулостидан сув утказиш учун | м | 6 | 372600 | 2 235 600 |
| | **Жами** | | | | **4 075 600** |

жами **4 075 600 ( Турт миллион етмиш беш минг олти юз ) сўм.**

Ушбу кийматдан ортик кийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва куриб чикилмайди.

4.2. Бажариладиган иш турлари техник топшириқ танлов хужжатларининг техник кисмда илова килинган.

Ушбу танлов якунлари буйича ғолиб чиккан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

## 8. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

8.1. Каттақўрғон шахар ободонлаштириш бошкармаси (бундан кейин-«Буюртмачи» деб аталади) –танлов ташкилотчиси хисобланади.

«Буюртмачи» манзили:, Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳар Умар хайём кўчаси 9 уй

8.2. Танлов «Буюртмачи» томонидан танловлар утказиш буйича тузилган Харид комиссияси томонидан утказилади.

8.3. Танлов Каттақўрғон шахар ободонлаштириш бошкармаси «Буюртмачи» томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда утказилади.

## 9. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

9.1. Танловда мулкчилик шаклида катъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, камида 1 йил тажрибага эга булган барча юридик макомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

9.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:

3) Бажарувчи корхона таклиф билан бирга корхона ретинги, корхона гувохномаси, рахбарнинг буйруғидан кўчирма, рахбарнинг паспорт нусхасини тақдим қилиши лозим. Махсулот расми параметрлари хакида маълумот

4) Ҳисоб рақамида махсулотлар кийматининг 30% микдорида маблағ мовжудлиги тўғрисида банкдан тасдикланган маълумот ҳамда товарларга 2 йиллик кафолат. Агар шу муддат ичида нуксон чикса ўрнига тенг миқдорда етказиб берувчи ҳисобидан сифатлисига алмаштирилади.

7) Банк қарздорлиги мавжуд эмаслиги, қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлса, унинг гувоҳномаси фаоллиги. Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги. Эълон жараёнида бўлган давр ҳолатига солиқ қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисидаги repository.soliq.uz дастуридан олинган штрих кодли маълумот ва инсофсиз иштирокчилар рўйхатида бор-йўқлиги тўғрисида маълумот тақдим қилиши;

8) Ишчи ходимлар тўғрисида маълумот камида 4 та ходим(Ф.И.Ш паспорт, my.mexnat.uzдан мехнат дафтарча электрон ва буйруқ нусхалари) ва транспорт воситалари, асосий воситалар ва асбоплар(ТМЗ) руйхати тасдикланган (балансда ёки ижара шартномаси, агар ижара шартнома булса 50% балланади);

9) Молиявий кўрсатгичлари (охирги 1 йиллик баланс, ф-2 ва молиявий натижа хамда охирги ойлик ҳисоботлари) ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги.

10) охирги 1 йил ичида ва х/р айланмасида шу ва шунга ухшаш товарлар олди сотти билан ёки ишлаб чикариш билан шугулланганлиги ( баланси, дт/кт, ф-2. сч /фактура )

9.3. Агар танлов предмети булган ишлар ( хизматлар)ни бажариш билан боглик фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур булса танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга булган талабгорларга рухсат этилади.

9.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди;

Кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш ), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий –ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

## 10. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАШКИЛОТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

10.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

10.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачм” ва “Иштирокчи” ўзбек тилида тақдим қилиниши лозим.

10.3. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

- Техник таклиф, Фирменни биланкада имзоланган, номерланган ва мухирланган ҳолда;
- Техник хужжатлар руйхати (брошуралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар руйхати илова қилинади);

10.4. Танлов иштирокчиси:

- Фақат битта таклиф бериши мумкин;
- Тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- Таклиф бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## 11. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

11.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун тааълуқли ҳолда элон қилинган муддатдан яни 5 календар кунга узайтирилиши мумкин.

11.2. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

11.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## 12. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

12.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлалилар.

12.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

12.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибдадавлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 13. БОШҚА ШАРТЛАР

13.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклиф бериш муддати тугаган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни,хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисида эълонга ўзгартиришлар киритилади.

13.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шакилда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шакилда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тунунтиришлар уларнинг мазмун-маҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

13.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

13.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юболишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тугишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

13.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан белгиланган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилди.

**Комиссия раиси:**

1. Бахриев Нурали Алишерович

**Аъзолари**

2. Увайтов Анвар Ботирович-техника хавсизлиги мухандиси-
3. Асадов Юлдош- бўлим бошлиғи-
4. Шомаматов Зухриддин Бахриддинович—Бош ҳисобчи
5. Мардиқулов Эркин Суюнович—Омбор мудири
6. Салохиддинов Жамолиддин Хабиб ўғли—техник назоратчи